

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА МАСОФАВИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент давлат аграр университетида 2020 йилнинг 21 май куни **“2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши иили”**га багишланган “Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси” мавзусидаги профессор-үқитувчи ва ёш олимларнинг масофавий илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтади.

Мақолалар жорий йилнинг 20 майига қадар [nauka@tdau.uz](mailto:nauka@tdau.uz) электрон почта манзилига ёки +99894-690-11-14 рақамига телеграм орқали юборилиши лозим.

Масофавий илмий-амалий конференцияга мақола тошириш истагида бўлғанлар **иловага** мувофиқ мурожаат қилишлари мумкин.

Эслатма: Мақолаларни қабул қилиш БЕПУЛ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР**  
**ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ**

**АХБОРОТ ХАТИ**

Тошкент давлат аграр университетида 2020 йилнинг 21 май куни “*2020 йил - “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили”га бағищланган “Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси”* мавзусида профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг *III масоғавий илмий-амалий конференцияси* ўтказилади.

**Конференция иши қўйидаги шўйбаларда олиб борилади:**

**1-Шўъба.** Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Ўсимликшунослик ва дехқончилик соҳасидаги замонавий агротехнологиялар.

**2-Шўъба.** Мева-сабзавотчилик, узумчилик ва уларни қайта ишлаш масалалари. Ўрмончилик, манзарали боғдорчилик, доривор ўсимликлар ва экология масалалари.

**3-Шўъба.** Тупроқшунослик ва агрокимё. Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва аграбиотехнологияда инновацион усулублар.

**4-Шўъба.** Зооветеринария, пиллачилик, балиқчилик, асалари-чилик, қуёнчилик, паррандачилик соҳаларини ривожлантиришда илм-фан ютуқлари ва муаммолари.

**5-Шўъба.** Агросаноат мажмуини бошқаришда инновация ва интеграция. Агрокластерлар, агробизнес ва агрологистика. Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларини қўллаш имкониятлари.

**6-Шўъба.** Малакали кадрларни тайёрлашда маънавий-маърифий, психологик, жисмоний тарбия ҳамда хорижий тилларни ўқитиш масалалари. Қишлоқ хўжалигида хукукий, этик ва фалсафий муносабатлар.

**7-Шўъба.** Агроинженерия. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш сертификатлаштириш. Табиий ва аниқ фанларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги аҳамияти.

**Конференциянинг ишчи тиллари:** ўзбек, рус ва инглиз

**Илмий-амалий конференция материалларига қўйиладиган талаблар:** материаллар 3-4 бет ҳажмда, 1 интервалда, А4 форматли қофозда, чап томонидан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва пастдан 2 см жой қолдирилиб, компьютернинг Microsoft Word мухаррирининг Times New Roman 12 ўлчамли шрифтида тайёрланиши ва ҳамма бетлар тўла бўлиши шарт. Маъруза материалларининг юқори қисмида мавзу бош ҳарфларда ёзилади, бир интервалдан кейин ўнг томонда муаллиф(лар)нинг фамилияси-исми-шарифи (*исми-шарифи қисқартирилган ҳолда*), бир интервалдан кейин муаллиф(лар)нинг иш жойи ва яна бир интервалдан сўнг электрон манзили яъни **E-mail: албатта ёзилиши шарт**. Бир интервалдан кейин мақоланинг асосий матни берилади. **Ҳар бир мақолада муаллифлар сони энг қўпи билан 3 нафардан ошмаслиги шарт**.

**Бошқа талаблар:**

1. Материаллар қоғоз ва электрон вариантда (*E-mail: nauka@tdau.uz* электрон манзили ёки +99894-690-11-14 телеграм рақами бўйича) белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда **2020 йилнинг 20 май санасигача** тақдим этилади. Мақолада келтирилган рақамлар ва фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф(лар)нинг шахсан ўз(лар)и жавобгардир. Электрон вариантдаги файлнинг номи бош муаллифнинг фамилияси ва шўъба рақамидан иборат бўлиши керак.

Масалан: **2- шўъба. M.Абдуллаев.rtf.** Файл **RTF** форматида сақланиши лозим.

Тўплам нашр қилингандан кейин муаллифларга **ТЎПЛАМ**нинг электрон нусхаси муаллифларнинг электрон манзилларига ташлаб берилади. Шу боисдан электрон манзилингиз орқали материалларни юборганингиз мақсадга мувофиқдир. Мақолалар қабул қилиш БЕПУЛ амалга оширилади.

**Кўшимча маълумотлар учун манзил:** 100140 Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Университет кўчаси 2, ТДАУ бош биноси, 3-қават, 311-хона. **Телефонлар:** 71-260-39-73, (94)- 690-11-14.

**E-mail:** nauka@tdau.uz

**Тўпламни нашрга тайёрлаш бўйича масъул:** Тўлқин Шамсиддинов.

**ЭСЛАТМА:** Тўпламда чоп этилган материаллар конференция ҳар йили ўтказилишининг даврийлиги билан аҳамиятлидир. Бу профессор-ўқитувчилар томонидан куннинг иккинчи ярмида бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида ОТМ миқёсидаги илмий мақола мақомига эга бўлишига қарамасдан, даврийлиги сабабли, амалдаги **ВАҚТ МЕЪЁРЛАРИГА** кўра республика миқёсидаги мақолаларга тенглаштирилишини англатади.

*Кўрсатилган талабларга жавоб бермаган материалларни таҳрир ҳайъати чоп этмаслик ҳукуқига эга эканлиги маълум қилинади.*

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА****МАҚОЛАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН НАМУНА****БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ**

**А.А.Акрамов<sup>1</sup>, Н.Н.Назаров<sup>2</sup>**

*Тошкент давлат аграр университети<sup>1</sup>*

*Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали<sup>2</sup>*

**E-mail:** akramov2020@mail.ru

Жанубий Орол бўйи минтақасида вужудга келган кескин салбий экологик (чўлланиш жараёни, тупроқ шўрланиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, сув танқислиги) вазиятлар натижасида худудларнинг суғориб экиладиган экин майдонларининг ... .

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Доспехов Б.Д. Методика полевых опыта (4-ое изд.). – М.: Колос, 1986. - 415 с.